

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР,
ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

115 **Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чой хом ашёсини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1459-1

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ–4455-сон «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 сентябрдаги ПҚ–1816-сон «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 434-модда) мувофиқ Ўзбекис-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

тон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2005 йил 11 мартдаги 01-02/8-6, 52, НН-01/10-1088, 2005-31-сон қарори (рўйхат рақами 1459, 2005 йил 22 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 12-13-сон, 92-модда) билан тасдиқланган Юридик шахслар ва юридик шахс бўлмаган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан чой хом ашёсини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 18 февраль,
01-02/12-8-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2013 йил 18 февраль,
18-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири**

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 18 февраль,
4-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 18 февраль,
2013-5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.